



ДЕПОЗИТЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ТИЗИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРГА ХОС ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Жўраев И.И. ТДИУ, “Халқаро
молия” кафедраси доценти

orcid.org/0000-0002-5607-0089

Аннотация. Мақолада жаҳон банк амалиётида депозитларни суғурталаш тизимларининг шаклланиши, уларнинг зарурлиги, иқтисодий моҳияти ва банк тизими ресурс салоҳиятини оширишга таъсири ёритилган. Шунингдек, мазкур мақолада муаллиф депозитларни суғурталаш борасидаги илғор тажрибаларни ўзаро таққослаш орқали илмий ва амалий хулосаларни шакллантирган.

Калит сўзлар. Депозит суғуртаси, кафолатлаш тизими, риск, диверсификация, молиявий барқарорлик, банк ликвидлиги, молиявий инқироз, халқаро стандартлар, банк тизими, аҳоли омонатлари.

РАЗВИТИЕ СИСТЕМ ГАРАНТИРОВАНИЯ ВКЛАДОВ И ИХ СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

Жураев И.И., доцент кафедры
«Международные финансы»
ТГЭУ

Аннотация. В данной статье рассматривается становление систем страхования депозитов в мировой банковской практике, их необходимость, экономическая сущность и влияние на повышение ресурсного потенциала банковской системы. Также в данной статье автором сформированы научные и практические выводы путем сравнения передового опыта в сфере страхования вкладов.

Ключевые слова. Страхование вкладов, система гарантирования, риск, диверсификация, финансовая устойчивость, банковская ликвидность, финансовый кризис, международные стандарты, банковская система, сбережения населения.

DEVELOPMENT OF DEPOSIT GUARANTEE SYSTEMS AND THEIR MODERN TRENDS

I.I. Juraev, Associate Professor,
Department of International
Finance, TSUE

Abstract. The article describes the formation of deposit insurance systems in world banking practice, their necessity, economic essence and impact on increasing the resource potential of the banking system. Also, in this article, the author formed scientific and practical conclusions by comparing best practices in deposit insurance.

Key words: Deposit insurance, guarantee system, risk, diversification, financial stability, bank liquidity, financial crisis, international standards, banking system, household savings.

Кириш

Банк тизимининг барқарорлиги ва молиявий хавфсизлигини таъминлашда депозитларни ҳимоя қилиш механизмлари муҳим ўрин тутди. Халқаро амалиётда банк мижозларининг омонатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли кафолат тизимлари мавжуд бўлиб, улар банк секторини иқтисодий инқирозлар, ликвидлик муаммолари ва банкротлик хавфларидан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Депозит кафолати тизими тижорат банклари учун молиявий барқарорликни таъминлашда стратегик восита бўлиб, у аҳоли ва бизнес субъектларининг молиявий институтларга ишончини мустаҳкамлайди, шунингдек, капитал оқимини оптималлаштиради.

Халқаро тажрибада депозитларни ҳимоя қилишнинг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, улар давлат кафолат тизимлари, банклараро кафолат фондлари, хавфларни олдиндан прогноз қилиш механизмлари ва рақамли ҳимоя тизимлари каби инновацион ёндашувлардан иборат. Ҳар бир мамлакатнинг банк тизими хусусиятларига қараб, ушбу моделлар турли тарзда қўлланилади ва молиявий муҳитга мос равишда ривожлантирилади. Ушбу тадқиқотда депозитларни ҳимоя қилишнинг халқаро моделлари таҳлил қилиниб, уларнинг устунлик ва камчиликлари, шунингдек, Ўзбекистон банк тизими учун энг мақбул ечимлар кўриб чиқилади.

Адабиётлар шарҳи

Замонавий молиявий тизимда тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва депозиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Банк секторининг барқарорлиги омонатчиларнинг молиявий муассасаларга бўлган ишончини оширишда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Депозитларни ҳимоя қилиш кафолат тизими молиявий институтлар учун хавфларни диверсификация қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва молиявий инқирозларнинг олдини олишда муҳим восита сифатида қаралади¹. Депозитларнинг давлат томонидан кафолатланиши банкларга омонатларни узоқ муддатга жалб қилиш имконини беради ва банк ликвидлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунга келиб,

¹ Diamond, D. W., & Dybvig, P. H. (1983). *Bank runs, deposit insurance, and liquidity*. Journal of Political Economy, 91(3), 401-419.

халқаро амалиётда депозит ҳимоя тизимлари банк секторини таҳлил қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида эътироф этилмоқда². Шу сабабли, депозитларни ҳимоя қилиш тизими нафақат банклар фаолиятини тартибга солувчи механизм, балки иқтисодиётнинг умумий барқарорлиги учун стратегик восита ҳисобланади.

Замонавий молиявий иқтисодиёт назариясининг етакчи вакилларида Дуглас Даймонд ва Филип Дайбвиглар "омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари банклар учун ликвидлилик хавфини камайтиради, бу эса молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, Даймонд омонатларни ҳимоя қилиш тизимларини кучайтириш орқали банкларнинг ликвидлигини ошириш ва молиявий беқарорликни олдини олишни таклиф этади"³.

Яна бир хорижий иятисодчилардан Эдвард Кейн ўзининг 2002 йилда чоп этган "Designing Financial Safety Nets to Fit Country Circumstances" номли мақоласида молиявий хавф-хатарларни баҳолаш ва омонатларни ҳимоя қилишда дифференциал бадаллар (Risk-based Premiums)дан фойдаланишни таклиф қилади⁴. Кейннинг ёндашуви бўйича, банкларнинг молиявий хавфларини баҳолашда уларнинг ликвидлилик даражаси, активлар сифати ва капиталлашув даражасини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, у муаммоли банклардан юқори миқдорда бадал ундириш орқали омонатларни ҳимоя қилиш жамғармалари фаолиятини мустаҳкамлашни таклиф этади.

Нобель мукофоти лауреанти Фредрих Мишкиннинг фикрича, омонатларни ҳимоя қилиш тизимлари мижозларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва омонатчиларнинг оммавий пул ечиб олиш хавфини камайтиради. Шунингдек, у омонатларни ҳимоя қилиш тизимларини пул-кредит сиёсати билан мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлайди⁵.

Турли давлатлар молиявий тизимида депозитларни кафолатлаш моделлари иқтисодий ривожланиш, молиявий хавфларни бошқариш ва банк секторининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда турлича шаклланган. Масалан, АҚШда 1933 йилда ташкил этилган Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC) тизими молиявий инқирозларнинг олдини олиш ва омонатчиларни ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнаган. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса Deposit Guarantee Schemes Directive (DGSD) депозит кафолат тизимини стандартлаштириш орқали ҳимоя чораларини кучайтиришни назарда тутди. Шу билан бирга, Япония ва Швейцария банк тизимида банклараро кафолат фондлари банклар ўртасидаги жавобгарликни тақсимлаш ва молиявий хавфларни камайтиришга йўналтирилган. Ушбу моделлар банк тизимининг

² <https://www.imf.org/en/Publications/GFSR>

³ Diamond, D. W., & Dybvig, P. H. (1983). Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity. *Journal of Political Economy*, 91(3), 401–419.

⁴ Kane, E. J. (2002). Designing Financial Safety Nets to Fit Country Circumstances. *World Bank Policy Research Working Paper*, No. 2453.

⁵ Mishkin, F. S. (2019). *The Economics of Money, Banking, and Financial Markets* (12th ed.). Pearson.

барқарорлиги ва молиявий инқирозларнинг олдини олиш учун қўлланиладиган асосий механизмлардан биридир.

Замонавий молиявий институтлар омонатларни ҳимоя қилиш стратегиясини ривожлантиришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланмоқда. Сунъий интеллект ва Big Data каби рақамли технологиялар молиявий хавфларни олдиндан прогноз қилиш, банк мижозларининг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш ва омонатларни ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришда фойдаланилади⁶. Сингапур, Буюк Британия ва Канада каби мамлакатларда банк хавфларини баҳолашда блокчейн ва маълумотлар таҳлили орқали автоматлаштирилган кафолат механизмлари жорий этилган.

Таҳли ва натижалар

Ўзбекистонда омонатларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва уни халқаро стандарт ва мезонларга мослигини таъминлаш масаласига кўплаб иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2025 йил 18 февраль куни Президент томонидан имзоланган "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун маҳаллий экспертлар томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур қонунга кўра, бир банкдаги ҳар бир омонатчи учун кафолатланган омонат миқдори 200 миллион сўм этиб белгиланган. Бу талаб янги омонатларга нисбатан қўлланилади, аввалги омонатлар эса тўлиқ кафолатланади. Шунингдек, қонун фақат жисмоний шахсларнинг эмас, балки тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳам омонатларини кафолатлашни назарда тутди. Маҳаллий иқтисодчиларнинг фикрича, ушбу чора-тадбирлар омонатчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Омонатларни кафолатлаш тизими (Deposit Insurance System - DIS) банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг молиявий тизимга ишончини ошириш мақсадида жаҳон амалиётида турли ривожланиш босқичларидан ўтган. Ушбу тизим турли мамлакатларда иқтисодий тараққиёт ва банк инқирозларига жавобан шаклланган. Унинг эволюцияси қуйидаги асосий босқичларга бўлинади:

⁶ Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies*. National Bureau of Economic Research.

Жаҳон банк амалиётида омонатларни кафолатлаш тизимининг ривожланиш босқичлари

Босқич	Хусусиятлари
1-босқич: Бошланғич босқич (19-аср охири – 20-аср бошлари)	АҚШда ва Европанинг айрим давлатларида омонатларни ҳимоя қилиш маҳаллий даражада ташкил этилган. Давлат иштироки кам, асосан банклар ўзаро жавобгарлик механизмига таянган.
2-босқич: Таркибий ривожланиш босқичи (1940–1970-йиллар)	Иккинчи жаҳон уруши тугашидан сўнг, давлатлар томонидан молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида марказлашган омонат кафолатлаш ташкилотлари тузила бошлади.
3-босқич: Халқаро институционализация (1980–1990-йиллар)	Халқаро институтлар (IADI, Базель қўмитаси) депозитларни кафолатлаш стандартларини белгилай бошлади. Европа Иттифоқи ва ривожланаётган бозорларда ягона кафолат тизимлари жорий қилинди.
4-босқич: Жаҳон молиявий инқирози (2000-йиллар – ҳозирги кун)	2008 йилдаги молиявий инқироз сабабли кўплаб мамлакатларда омонатларни кафолатлаш лимитлари оширилди. Жаҳон банки ва халқаро молия институтлари томонидан янги хавфни бошқариш механизмлари ишлаб чиқилди.
5-босқич: Рақамли банк ва сунъий интеллект (келажак тенденциялари)	Рақамли банклар ва криптовалюта секторлари учун янги кафолатлаш моделлари ишлаб чиқилмоқда. Сунъий интеллект ва блокчейн технологиялари орқали депозитларни ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланмоқда.

Омонатларни кафолатлаш тизими илк бор АҚШда 1829 йили ташкил этилган. Бу тизим Нью-Йорк штатида ишлаб чиқилган ва аслида банкларнинг ўзаро жавобгарлик механизмига асосланган эди. 1930-йиллар "Буюк депрессия" даврида АҚШда банклар фаолиятида йирик муаммоларюзага келди ва 1933 йилда Федерал Омонатларни Суғурта Корпорацияси (FDIC) ташкил этилди. Бу тизим банк миқозларининг омонатларини ҳимоя қилиш ва банкларга бўлган ишончни тиклаш мақсадида яратилган бўлиб, кейинчалик дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам оммавий тарзда мана шундай ташкилотларни пайдо бўлишига замин яратди. Шу даврда Канада, Германия ва баъзи Европа давлатларида ҳам омонатларни кафолатлаш механизмлари жорий этилди.

⁷ Муаллиф ишланмаси

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин дунёнинг кўплаб давлатларида иқтисодий таназзул ҳолатлари кузатилди, Европа ва Япония банк тизими аста-секинлик билан қайта тиклана бошлади. Ушбу давлатларда марказлашган банк тизими орқали молиявий барқарорликни таъминлаш чоралари кўрилди. Бу даврда кўплаб мамлакатлар омонатларни кафолатлаш тизимини тўлиқ ёки қисман давлат назоратига ўтказди. Японияда 1971 йили "Deposit Insurance Corporation of Japan (DICJ)" ташкил қилинди, бу эса банк тизимининг барқарор ва узлуксиз фаолият юритишида муҳим роль ўйнади.

Европа давлатларида омонатларни кафолатлаш марказлашган тарзда эмас, балки банк бирлашмалари ёки хусусий сектор асосида амалга оширилди. 1980-йиллардан бошлаб иқтисодий глобаллашув ва банк тизимидаги либераллашув сабабли омонатларни кафолатлаш тизими халқаро институтлар томонидан қўллаб-қувватланди. 1988 йилда Базель Қўмитаси томонидан банклар учун капитал талабларини белгилаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ талаблар кучая бошлади. 1994 йили Европа Иттифоқи "Омонатларни кафолатлаш бўйича Директива"ни қабул қилди, бу эса ЕИ мамлакатларида ягона стандартларни жорий этишга хизмат қилди. Туркия ва Россия каби ривожланаётган бозорлар ҳам ўз омонатларни кафолатлаш тизимларини шакллантиришга киришди.

2008 йилдаги Жаҳон молиявий инқирози омонатларни кафолатлаш тизимларининг мустаҳкамлигини қайта кўриб чиқишга заруриятини юзага келтирди. Кўплаб давлатлар омонатларни кафолатлаш миқдори оширилди (масалан, АҚШда \$250,000, ЕИда €100,000). Халқаро депозит суғурталаш ассоциацияси (IADI) ташкил этилди ва у банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун турли стандартлар ишлаб чиқди.

2-жадвал⁸

Жаҳондаги энг йирик депозитлар кафолатлаш тизимлари ва уларнинг замонавий ҳолати таҳлили

Мамлакат	Кафолатлаш Ташкилоти	Кафолатланган Максимал Миқдор
АҚШ	FDIC (Federal Deposit Insurance Corporation)	\$250,000
Европа Иттифоқи	Deposit Guarantee Scheme	€100,000
Буюк Британия	Financial Services Compensation Scheme (FSCS)	£85,000
Япония	Deposit Insurance Corporation of Japan (DICJ)	¥10,000,000
Германия	Entschädigungseinrichtung deutscher Banken GmbH	€100,000

⁸ <https://www.iadi.org>

Франция	Fonds de Garantie des Dépôts et de Résolution (FGDR)	€100,000
Хитой	Deposit Insurance Fund (DIF)	¥500,000
Россия	Агентство по страхованию вкладов (АСВ)	1,400,000 руб.
Туркия	Tasarruf Mevduatı Sigorta Fonu (TMSF)	400,000 TL
Канада	Canada Deposit Insurance Corporation (CDIC)	C\$100,000

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида омонатларни кафолатлаш миқдори сезиларли даражада юқори қилиб белгиланган. Бунинг асосий сабалари сифатида мазкур мамлакатларда шаклланган жамғармларнинг катта қисми тижорат банкларида тўпланган, банклар иқтисодиётни кредит ва инвестицияларга бўлган талабини таъминловчи улкан молиявий муассаса, банкларнинг юқори даражадаги фаолияти мамлакатнинг суверен рейтингини мустаҳкамлашдаги ролининг юқори эканлиги ва бошқа ижобий таъсирларни юзага келтириши билан баҳоланади. Мамлакатимизда ҳам омонатларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий томондан мустаҳкамланиши бир қатор ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

депозитларнинг юқори даражада ҳимояланганлиги банк тизимида бўлган ишончни мустаҳкамлайди, бу эса омонатларнинг банк секторида узок муддат сақланишини таъминлайди.

омонатларнинг қайтариш муддатининг қисқартирилиши мижозлар учун пул маблағларига бўлган талабларини тезкор қондириш имконияти билан бирга уларнинг банклар билан узок муддатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлайди.

олдинги тартибларда кўзда тутилмаган юридик шахслар ва тадбиркорлар учун кафолат механизмларининг жорий этилиши мамлакатда бизнес муҳитини яхшилади ва кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

янги ташкилот-омонатларни кафолатлаш агентлигининг ташкил этилиши ушбу йўналишда тизимли назорат ва хавфларни бошқариш самарадорлигини оширади.

банк тизимидаги молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, депозитларни кафолатлаш тизимининг мавжудлиги банк секторининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ тажрибасида 1933 йилда Федерал депозитларни суғурта қилиш корпорацияси ташкил этилганидан сўнг, банкларда омонатларни ёппасига олиб чиқиб кетиш муаммолари сезиларли даражада камайган.

Германия тажрибасига кўра, омонатларни кафолатлаш тизимининг муваффақиятли фаолияти банк секторининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этган. Европа Иттифоқи томонидан жорий этилган сўнгги қоидаларга мувофиқ 100,000 евро миқдорида кафолатлаш тизими жорий этилган бўлиб, бу турли молиявий инқирозлар даврида омонатчиларнинг банк тизимига бўлган ишончини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай мамлакатда банк тизимига бўлган ишонч бу авваламбор мамлакатга бўлган ишончни таъминлайди. Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатларининг тўғри ташкил этилиши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банклараро рақобат даражасинини кучайтириш ва турли молиявий инқирозларнинг олдини олишда муҳим механизм ҳисобланади.

Ўзбекистон учун самарали омонатларни ҳимоя қилишни кафолатлаш тизимининг жорий этилиши банк тизимига бўлган ишончнинг ошиши ва молиявий барқарорликни таъминлашдаги яна бир муҳим қадамлардан биридир. Ҳуқуқий томондан мустаҳкам кафолатланган омонат тизими орқали аҳоли ва бизнес субъектлари ўз маблағларини банкларда хавфсиз сақланишига ишонч ҳосил қилади, бу эса банкларга узоқ ва барқарор муддатли депозитларни жалб қилиш имконини яратади. Шу билан бирга, депозитларнинг юқори даражада ҳимояланганлиги банклардан маблағларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш хавфини камайтиради, банкнинг ликвидлилигини сақлашга ва молиявий инқирозлардан ҳимояланиш механизмларини янада кучайтириш имконини беради. Бунинг натижасида банк секторидаги барқарорлик ва инвестицион жозибадорлик янада ошади, буларнинг барчаси яқинда Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий банк тизимларида депозит ва омонатларни ҳимоя қилиш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиб, молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва банк секторидаги ликвидлик хавфини камайтиришга хизмат қилади. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, депозитларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми мавжуд эмас экан, молиявий инқирозлар пайтида омонатчиларнинг банк тизимига бўлган ишончи сусайиб, улар ўз активларини тезкор равишда тижорат банкларидан чиқариб кетиши мумкин. Бу эса, банкларда чуқур

ликвидлик муаммосини юзага келтириб, иқтисодий инқироз хавфини янада кучайтириши мумкин. Шу боис, ривожланган давлатларда депозитларни ҳимоя қилиш тизими нафақат молиявий кафолатлар, балки рискларни олдиндан прогноз қилиш механизмларини шаклланиши билан ҳамоханг ташкил этилган.

Бугунги кунда халқаро амалиётда депозитларни ҳимоя қилишнинг бир нечта йўналишлари мавжуд бўлиб уларнинг асосан қуйидагиларга ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи йўналиш — давлат кафолати тизими бўлиб, бу усулда депозитларни ҳимоя қилиш бевосита ҳукумат ёки Марказий банк томонидан кафолатланади. Бу моделда банкнинг молиявий ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар, депозит эгалари учун белгиланган сумма давлат томонидан қопланади. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатларида бу тизим кенг қўлланилади. Аммо бу усул давлат бюджетидан қўшимча харажатларни талаб қилади ва иқтисодий инқироз пайтида бюджетга юклама тушириш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли, давлат кафолати тизими кўпинча банк тизими мустаҳкам бўлган, молиявий барқарорлик юқори даражада таъминланган мамлакатларда самарали ишлайди.

Иккинчи йўналиш — **банклараро кафолат фондлари** бўлиб, бу моделда депозитларни ҳимоя қилиш тижорат банклар томонидан ташкил этиладиган ва молиялаштириладиган махсус фондлар орқали таъминланади. Бу тизимда банклар ўзаро биргаликда молиявий жавобгарликни зиммасига олиб, омонатларнинг хавфсизлигини кафолатлайди. Германия, Голландия ва Швейцария каби мамлакатларда бу модель кенг қўлланилади. Унинг асосий афзаллиги — давлат бюджетига юклама туширмасдан, банклар ўртасида хавфларни тақсимлаш механизмлари орқали ишлаши. Бироқ, иқтисодий инқирозлар пайтида бу фондлар банклар томонидан қопланмаган ҳолда ликвидлик муаммосига дуч келиши ва омонатларни ҳимоя қилиш имконияти пасайиб кетиши мумкин.

Учинчи энг муҳим йўналиш — **инновацион депозит кафолати тизимлари бўлиб**, бунда асосан сунъий интеллект (AI), Big Data ва блокчейн каби рақамли технологиялар орқали банк тизимида юзага келиши мумкин хавфларини олдиндан прогноз қилиш механизми қўлланилади. Ушбу моделда молиявий инқироз хавфлари ва омонатларнинг йўқотилиш эҳтимоли реал вақт режимида таҳлил қилиниб, банклар ўз балансини олдиндан тўғрилаш имкониятига эга бўлади. Сингапур, Ҳиндистон ва Буюк Британияда банкларнинг молиявий барқарорлигига доир прогнозлар автоматик равишда амалга оширилиб, омонатларни ҳимоя қилишнинг янги механизмлари яратилади. Блокчейн технологияси орқали депозитларнинг хавфсизлиги таъминланиб, банклардан ташқаридаги молиявий институтлар ҳам ушбу ҳимоя тизимида иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон учун энг мақбул модел бу гибрид депозит ҳимоя тизими бўлиб, унда давлат кафолати, банклараро кафолат фондлари ва рақамли хавфларни прогноз қилиш тизими биргаликда ишлайдиган интеграциялашган

моделни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу тизим орқали депозитларнинг хавфсизлиги кафолатланади, банклар орасида масъулият тақсимланади ва сунъий интеллект ёрдамида банк секторидаги хавфлар реал вақтда таҳлил қилинади. Бу ечим нафақат молиявий барқарорликни таъминлаш, балки тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш, мижозлар ишончини мустаҳкамлаш ва банклараро рақобатни кучайтиришда катта самара беради.

Хулоса

Ўзбекистонда омонатларни ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашда хавф-хатарларни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро амалиётда, айниқса, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда омонатларни ҳимоя қилиш тизимида Risk-based Premium ёки Differential Premium Systems каби механизмлардан фойдаланилади. Бу механизмлар банкларнинг молиявий барқарорлиги, ликвидлилик даражаси ва капиталлашув даражасини баҳолаш асосида омонатларни ҳимоя қилиш бўйича бадаллар миқдорини белгилашга асосланган.

Ўзбекистонда ҳам шу каби хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш орқали омонатларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мумкин. Масалан, CAMELS (Capital Adequacy, Asset Quality, Management, Earnings, Liquidity, Sensitivity to Market Risk) рейтинг тизимидан фойдаланиб, ҳар бир банкнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва хавф даражасини аниқлаш мумкин. Бу механизм орқали юқори хавфли банклардан кўпроқ бадал ундирилиб, омонатларни ҳимоя қилиш жамғармасини барқарорлаштириш мумкин. Шу билан бирга, хавф-хатарларни мониторинг қилиш учун Early Warning System (EWS) жорий этиш тавсия этилади. Бу тизим орқали банкларнинг молиявий ҳолати ҳақида тезкор маълумот олиш ва таваккалчиликларни олдиндан аниқлаш имконияти яратилади.

Ўзбекистонда омонатларни ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мижозлар омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари, фоиз ставкалари ва таваккалчиликлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари, рақамли маркетинг каналлари орқали молиявий таълим дастурларини ташкил этиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда омонатларни ҳимоя қилиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, банклар ўртасидаги рақобатни кучайтириш ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар келгусида мамлакат банк тизими халқаро даражада фаолият юритиши учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Diamond, D. W., & Dybvig, P. H. (1983). *Bank runs, deposit insurance, and liquidity*. *Journal of Political Economy*, 91(3), 401-419.
2. <https://www.imf.org/en/Publications/GFSR>
3. Diamond, D. W., & Dybvig, P. H. (1983). *Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity*. *Journal of Political Economy*, 91(3), 401–419.
4. Kane, E. J. (2002). *Designing Financial Safety Nets to Fit Country Circumstances*. *World Bank Policy Research Working Paper*, No. 2453.
5. Mishkin, F. S. (2019). *The Economics of Money, Banking, and Financial Markets* (12th ed.). Pearson.
6. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies*. National Bureau of Economic Research.
7. Муаллиф ишланмаси
8. <https://www.iadi.org>